

SYNTAX OF MOTIVES IN UZBEK POETRY OF 20-30 YEARS OF THE XX CENTURY

Kuchkarov Oybek Abdumansurovich

Doctor of Philosophy (PhD), Andijan State University named after
Z.M Babura, Uzbekistan.

Email id: kuchkarovo15@gmail.com

Tursunaliyeva Lolakhon Habibullo qizi

Teacher of school №29 in Andijan, Uzbekistan.

Email id: tursunaliyevalola@gmail.com

Resume: The article provides reasonable comments on the syntactic aspects of the use of motifs in Uzbek poetry of the 20-30s of the XX century. The article also examines the syntax of motives in the poetry of the period, ie their interaction and the formation of complexes of motives, which are manifested as thematic-ideological units in the composition of the poem, and this issue is revealed in the analysis of specific poems.

Key words: Motive, poetic motive, syntax of motives, plot statement

КИРИШ

Мотивлар тилшунослик нуқтаи назаридан “сўз”га тенг келади деб олсак. Бадиий асар эса “нутқий гап”га тўғри келади. Мотивларни ўрганишда тилшунослик қонуниятларига таяниш биз учун анча самарали ҳисобланади. Эндиги вазифамиз ўрганилаётган давр шеърлятидаги мотивлар синтактикаси, яъни уларнинг ўзаро алоқага киришиши ва шеър таркибидаги тематик-ғоявий бирликлар сифатида намоён бўлувчи мотивлар комплексларини (худди сўзлар ўзаро грамматик-мазмуний алоқалар асосида грамматик-семантик-фонетик бутунликлар – синтагмалар ҳосил қилгани каби)ни ҳосил қилишини ўрганиш бўлиб, ушбу фаслда шу масалани конкрет шеърлар таҳлили мисолида кўриб чиқамиз.[1.60]

Ойбекнинг “Оқшом кўринишлари” шеърда асар бутунлиги нигоҳнинг битталиги, яъни қаламга олинган манзаралар битта лирик субъект нигоҳи билан кўрилаётгани ҳисобига таъминланади. Шеър таҳлили давомида биз бу фарқларни ўрни билан қайд этиб борамиз. Шеърнинг илк банди мана бу:

Гўзал қуёш – эрка қиз,

Порлаган у гўзал юз

Уфққа лола сочди,

Бир кулди, сўнгра қочди. [2.41]

Кун ботиши “йўқотиш” мотивини юзага чиқаради, гапнинг асосини “қуёш” мотив образи ва “қочди” (ботмоқ) предикатив мотиви ташкил қилади. Кун ботиш онларидаги бетакрор гўзаллик (“уфққа сочилган лола” мотив образи) йўқотишнинг залворини оширади. Албатта, қуёш эрталаб яна қайтиб чиқади, лекин шеърда оний кечинма акс этади. Бу кечинма – “йўқотиш” туйғуси, худди шу манзарага мафтун бўлиб турган ва уни эндиёқ муқаррар йўқотишини англаб турган онларда кўнглидан ров кечиб ўтган. Шеърда эса шу оний кечинма ифодаси акс этган. Ифода эса вақт билан боғлиқ, яъни кечинмани нутқда ифодалаш учун вақт керак бўлади. Бу гаплар шеърдаги туйғунинг ишончилигини таъкидлаш учун айтилмади, шеърнинг давоми ҳам шу туйғуга ҳамоҳанг ҳис кечинмалар бўлгани учун айтилмоқда:

Уваларда, қирларда,

Кенг, сукутли чўлларда

Ҳасрат-ла гуллар сўлди,

Ҳар ёқ хузун-ла тўлди.

Бундаги “гуллар сўлиши” мотиви табиий ҳолатда аввалги банддаги “қуёш қочгани”нинг оқибати деб қаралади. Айни вақтда, бу икки мотивнинг оқибати “ҳар ер хузун-ла” тўлишидир. Оқибатнинг

биринчиси табиий, яъни объектив характерга эга: табиатда қуёш ботгач, гулларда сўлғинлик аломати кузатилади. Лекин иккинчи оқибат, “ҳар ер ҳузун-ла тўлиши” субъектив характерда, чунки бу лирик қаҳрамоннинг ҳолатни қандай қабул қилиши билан боғлиқ. Шу ўринда мотивлар синтактикаси уларнинг ўзаро боғлана олиш имкониятларини ҳам ўрганишини айтиш жоиз. Хусусан, “ҳар ер ҳузун-ла тўлиши” мотиви узукка кўз қуйгандай тушган, унинг ўрнига “ҳар ер қувончга тўлиши” мотивини қўйиб бўлмайди. Сабаби “гуллар сўлиши” билан хурсандчилик семантик жиҳатдан қўшила олмайди. Бошқа бир муҳим жойи, биринчи банднинг мазмунан тугалланганлиги юқорида кўриб ўтилган. Ҳар ҳолда илк банд айнан шу кўринишдаги кейинги бандни тақозо этмайди. Е.М.Мелетинский фольклор асарлари сюжети ҳақида гапира туриб, сюжет қуришнинг энг содда йўлларида бири “ҳар бир янги мотивнинг бошланғич мотивга тўлдирувчи сифатида киритилиши”ни айтади [3.83]¹. Бунда ҳам мотив синтактикаси билан семантикасининг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини кўриш мумкин. Юқоридаги бандларнинг ўзаро алоқасида ҳам, бизнингча, шунга ўхшаган қонуният амал қиляпти. Чунки кейинги мотивлар “йўқотиш” мотиви билан бевосита алоқадор эмас, лекин уларни семантик жиҳатдан бир-бирига тортадиган магнити бор. Лекин қизиқ тарафи шуки, уларни ўрнини алмаштириб бўлмайди. Яъни “кун ботиши”нинг аввал, “гуллар сўлиши”нинг эса кейин келиши шарт, чунки шу ҳолда уларни “сабаб-оқибат” мантики ўзаро боғлайди. Демак, мотивларнинг семантикаси уларнинг ўзаро алоқа-боғланишини белгиловчи муҳим омил экан.

Иккинчи банд билан кейингиси ўртасида ҳам худди биринчи ва иккинчи бандлар орасидаги каби муносабат ётади:

Узоқ... кўп узоқ ердан,
 Чўпон ёниқ қуйлади.
 Савдоли қуйларидан
 Тоғ-тепалар ингради.

Кўряпмизки, бу банд ҳам ўзидан аввалги бандни тўлдиришга хизмат қиляпти. Умуман бандга хос нисбий тугалланганлик, нисбий мустақиллик хусусиятлари бу ерда энг баланд даражада бор, ҳатто, бизнингча, бу бандни ўқувчига алоҳида тўртлик, яъни мустақил лирик асар деб тақдим этса ҳам бўлади. Ўзидан аввалги бандни тўлдиради дейишимизга сабаб, бу ерда олдинги банддаги “ҳузун” янада кучайтирилади. Бунга “ёниқ қуйлаётган чўпон” – “савдоли куй” – “тоғ-тепалар ингради” мотивларининг ўзаро боғланиши орқали эришилади. Яна бир таъкидлаш керак нарса шуки, бу банд билан шеърдаги лирик қаҳрамон нигоҳи билан кўрилади манзаралар қаторига энди унинг қулоғи билан эшитилаётган оҳанглар кириб келди. Бу ерда айнан ўзининг тийран сезгилари билан атрофидаги борлиқни қабул қилиб турган лирик қаҳрамон шеър бутунлигини таъминловчи бош омил эканлиги янада очикроқ кўринади.

Шеърнинг охириги банди мазмун жиҳатидан дастлабки учта бандига зид қўйилади:

Кўп ўтмади, ой боқди,
 Зулматни нур-ла ёқди.
 Деди: “На сўйлар чўпон –
 Дардини туйдим бу он.
 Созинг синиқми, шоир!
 Боқдинг ҳасрат-ла ҳар ён?”

Авалло, бандлараро зидлантириш асосини биринчи банддаги “қуёш қочиши (ботиши)” мотиви билан бундаги “ой боқиши (чиқиши)” мотивлари ташкил қилади. Худди бир гапнинг иккинчи гапга зидланиши матнда янги – зидлаш оҳангини келтириб чиқаргани каби, бу ерда ҳам янги эмоционал тоналлик юзага келади: маҳзун кайфият аста чекина бошлайди. Бунда “ой боқиши” – “зулмат ёришиши”

¹ Е. М. Мелетинский. Семантическая организация мифологического повествования и проблема создания семиотического указателя мотивов и сюжетов // Учен. зап. Тартуского гос. ун-та. Вып. 635. Тарту, 1983. / <http://www.ruthenia.ru/folklore/folkloristlibrary.htm>

мотивлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Яъни аслида шу икки мотив иштирок этган кўшмисра билан тасвирланган манзара (ёки сюжет) ўзининг ниҳояси, якунига етди. Кейинги мисралар эса, бизнингча, моҳиятига кўра сюжетдан ташқари элемент ҳисобланадиган *эпилогга* ўхшашдир. Эпилог сюжет воқеалари тугагандан кейинги ва унга бевосита боғланмайдиган ҳолатлар, умумлаштирувчи манзаралар, муаллиф мушоҳадалари кабилардан иборат бўлгани каби, бу ерда “қиссадан ҳисса” ҳолати кўпроқ кузатилади. Бироқ бу эпилог ҳам ўз ҳолича муҳим: ундаги “шоир” – “синиқ соз” – “ҳар ён ҳасратли боқиш” мотивлари муаллифнинг ўз-ўзини англашга, ўзидаги кайфият сабаларини илғаб олишга интилаётганини кўрсатади. Шунинг учун, агар шеърнинг учта банди тўлиқ ва тўртинчи банднинг илк икки мисрасида лирик қахрамон нигоҳи ташқарига – табиат манзараларига қаратилган бўлса, охириги тўртта мисрада ичкарига, яъни ўзининг кўнглига қаратилади.

Юқорида таҳлилга тортилган Ойбек шеъри ички структураси – мотивларнинг семантик ва шаклан боғланишлари асосида ҳосил қилинган мотив комплеклари (синтагма) ва *сюжет гаплари* нуқтаи назаридан (ёки тематик композицияси)га кўра *тўртта мустақил гап ва битта кўчирма гапдан* таркибланган матнга тўғри келади. Айни вақтда, *нутқий гап* сифатида битта гапга тўғри келади.

Яна шуниси ҳам борки, Ойбекнинг шеърида аввал уч банд (ва яна икки мисра) давомида табиат тасвирланиб, шундан кейингина субъектив муносабат берилган.

Таҳлилларда маълум бўляптики, мотивларда ҳам худди сўзлардаги каби валентлик хусусияти бор, фақат бу хусусият ўзига хос тарзда намоён бўлади. Лирик асарнинг тематик композицияси (ёки сюжети) ўзаро алоқа- муносабатга киришиб нисбий бутунлик ҳосил қилувчи мотивларнинг комплексларидан таркиб топади. Яъни шу тариқа мотив комплекслари шеър таркибидаги тематик-ғоявий бирликни ҳосил қилади. Бу бирликлар эса тил синтаксисига қиёсан олинса гоҳ синтагма, гоҳ содда ё кўшма гап шаклида намоён бўлади. Шеърда сўз эмас, образ орқали ифода этилаётган мазмунни англашда мотив таҳлили муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. О. Kuchkarov. Syntax aspects of the use of motives in uzbek poetry of 20-30 years of the XX century // “JOURNAL OF CENTRAL ASIAN SOCIAL STUDIES” (Tashkent). 2021. – № 2. – s. 60-65.
2. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 1-том. Т.: “Фан” 1975. 41-бет
3. Е. М. Мелетинский. Семантическая организация мифологического повествования и проблема создания семиотического указателя мотивов и сюжетов // Учен. зап. Тартуского гос. ун-та. Вып. 635. Тарту, 1983.